

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI**
**SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI,
CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI**

**1 bosqich talabalari uchun
“HAYVONLAR FIZIOLOGIYASI”
fanidan**

**“Og’izda va me’dada ozuqa hazmi” mavzusidagi
o’tkaziladigan ma’ruza mashg‘uloti bo‘yicha tarqatma
materiallar**

Samarqand shahri

Tuzuvchi:

H.O'rino

**"Hayvonlar fiziologiyasi, biokimyosi
va patologik fiziologiya" kafedrası
assistentiligiga davogar**

Taqrızchilar:

D.Eshimov

**"Hayvonlar fiziologiyasi, biokimyosi
va patologik fiziologiya" kafedrası"
dotsenti**

O.O'.Qo'ldoshev

**Veterinariya ilmiy tadqiqot instituti
Veterinariya sanitariyasi va
urchitish patologiyasi laborotariyasi
mudiri, v.f.d**

Мавзу: ОГИЗДА ОЗИҚАЛАРНИНГ ҲАЗМ БЎЛИШИ

Режа:

- 1. Озиқа ҳазми тўғрисида умумий тушунча. Ҳазм системасининг вазифалари.**
- 2. Оғизда озиқаларни ҳазми бўлиши ва унинг турли ҳайвонлардаги хусусиятлари.**
- 3. Сўлакнинг ажралиши, таркиби ва физико-химиявий хусусиятлари.**
- 4. Турли ҳайвонларда сўлакнинг микдори ва ажралиш хусусиятлари.**
- 5. Сўлак ажралишининг бошқарилиши.**

1. Озиқа ҳазми тўғрисида умумий тушунча. Ҳазм системасининг вазифалари.

Озиқани ҳазм қилиш организм билан ташқи муҳит ўртасида тинмай бўлиб турадиган **моддалар алмашинувининг биринчи босқичидир**.

Сут эмизувчи ҳайвонлар озиқаланиши учун **2 хил озиқа манбаидан**:

- 1. Ўсимликлар дунёси озиқасидан 60-70%.**
- 2. Ҳайвонот дунёси озиқасидан 20-30% фойдаланадилар.**

Озиқалар таркибида организм учун зарур оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминалар, минерал моддалар ва бошқалар бўлади.

Озиқани ҳазм қилиш деб, ҳаёт учун зарур моддаларнинг ҳазм системасига олинишини, у ерда майдаланиб эзилишини, таркибидаги мураккаб моддаларнинг оддий моддаларгача парчаланишини, ҳаётий муҳим моддаларнинг қон ва лимфага сўрилишини, кераксизларининг эса ташқарига чиқарилишини ўз ичига оладиган **мураккаб физиологик жараёнга айтилади**.

Организмнинг яшаб туриши учун унга **доимо энергия керак**. Ана шу энергияни ҳайвон организми истеъмол қиласиган озиқалар таркибидаги **оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг парчаланиши ҳисобига** олади.

Бунда ҳазм тизими суюқликлари: **сўлак, меъда, меъда ости бези, ичак шираларининг таркибида бўладиган турли биокатализаторлар, яъни ферментларнинг аҳамияти** каттадир.

Ҳазм ферментлари қайси органик моддаларни парчалашига қараб уч гурухга бўлинади:

- 1. Протеолитик**, яъни оқсилларни парчалайдиган ферментлар.
- 2. Гликолитик ёки амилолитик**, яъни углеводларни парчалайдиган ферментлар.
- 3. Липолитик**, яъни ёғларни парчалайдиган ферментлар.

Озиқаларнинг ҳазм бўлишида ферментлардан ташқари жигар ҳужайраларида ҳосил бўладиган ўт суюқлигининг ҳам аҳамияти каттадир.

Ҳазм системасининг вазифалари:

- 1. Секретор** - шира ажратиш.
- 2. Мотор** - ҳаракат.
- 3. Ферментация жараёнини таъминлаш.**
- 4. Сўрилиш жараёнини таъминлаш.**
- 5. Инкрематор** – гормонлар ишлаб чиқариш вазифаси.

Ҳазм жараёнлари ҳайвонлар ва паррандаларнинг оғиз бўшлиғида бошланиб, меъдада, ичакларда давом этади.

2. Оғизда озиқаларни ҳазми бўлиши ва унинг турли ҳайвонлардаги хусусиятлари.

Оғизда озиқаларнинг ҳазм бўлиши уч **босқичга** бўлинади:

- 1. Оғизга озиқани олиш.**
- 2. Оғизда озиқанинг бевосита ҳазм бўлиши.**
- 3. Ютиш.**

Оғизга озиқани олиш. Оғизга озиқани олишдан олдин ҳайвон уни кўради, ҳидлайди, озиқа бўлмайдиган, кераксиз ва заҳарли моддалардан фарқлади. Оғизга олинган озуқа таъм билиш сезгиси туфайли анализ қилиниб, кераксиз қисми чиқариб ташланади.

Озуқаларнинг оғизга олиниши қишлоқ хўжалик ҳайвонларида турлича бўлиб, бу жараёнда ҳайвоннинг лаблари, тишлари ва тили иштирок этади.

1. Отлар, қўйлар ва эчкилар донли озуқаларни лаблари ёрдамида кесиб қирқади ва тили ёрдамида оғизга йўналтиради.

2. Қорамолларнинг лаблари камроқ ҳаракатчан бўлиб, озуқа қабул қилинди, асосан, уларнинг тили, камроқ даражада эса курак тишлари иштирок этади. Улар озиқаларни тили билан бураб, ўраб олиб, устки жағ милкига босади ва оғизга йўналтиради.

3. Чўчқаларнинг озиқа қабул қилиши ҳам асосан курак тишлари ва тили ёрдамида амалга оширилади.

Ҳайвонлар юмшоқ озиқа ва тузни тиллари билан ялаб қабул қиласади.

Ёш ҳайвонлар онасини эмиб озиқланади. Бу пайтда пастки жағ пастга тушиб, тил орқали тортилади. Оқибатда оғиз бўшлиғида манфий босим ҳосил бўлади ва сутнинг оғизга сўрилишини, эмилишини таъминлайди.

Сув ичиш жараёни турли ҳайвонларда бир хилда рўёбга чиқмасада, унинг заминидаги қонуният қарийб бир хил. Ҳайвон сув ичаётганида тумшуғини унга ботиради, сўнгра пастки жагини устки жағига қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилдиради, бу ҳодиса тилнинг такрорий орқага тортилиши билан бирга давом этади. Жағ ва тилнинг шундай ҳаракатланиши оғизга сувнинг сўрилишини таъминлайди.

Озуқ қабул қилиш ва сув ичиш муқаррар равищда **марказий нерв системаси назорати** остида амалга ошади.

Чайнаш. Оғизга олинган озиқа моддалар қайта-қайта чайналиб, сўлак билан аралаштирилади ва луқма ҳолига келтирилади.

Чайнаш қуйидагича амалга ошади: жағ мускулларининг фаолияти туфайли пастки жағ пастга, сўнгра эса юқорига, устки жағга қараб ҳаракат қиласди. Жағлар бир-бирига қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилиб, тишлари (**кавш қайтарувчи ҳайвонларда эса пастки жағ тишлари билан устки жағ милки**) ўзаро тўқнашади, сўнгра улар ён томонга ҳаракатланади. Оқибатда чайналадиган озиқа кесилиб, майдаланади, ишқаланиб, эзилади. Озуқани майдаланишида тишлар устининг нотекислиги катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонлар озиқани одатда оғзининг бир томонида чайнайди, бу пайтда оғиз ёпиқ туради. Қорамоллар озиқа чайнаётганда эса оғзи очик қолади, шу сабабли, улар калласини горизонтал ҳолатда тутади.

Турли ҳайвонлар **озиқани хар хил даражада чайнаб** ютади.

Кавш қайтарувчи ҳайвонлар озиқани наридан-бери юзаки чайнаб, ютади.

От ва чўчкалар яхшилаб чайнаб, майдалаб ютади.

Этхўр ҳайвонлар эса озиқани пала-партиш парчалаб, бурда-бурда бўлакчаларга бўлиб, майда чайнамасдан ютади.

Чайнаш ихтиёрий жараён бўлиб, рефлектор равищда бошқарилади. Озиқалар оғиз бўшлиғидаги механорецепторларни таъсирлайди. Оқибатда ҳосил бўлган кўзғалиш импульси афферент нерв толалари орқали **узунчоқ миядаги чайнаш марказига** узатилади. Марказнинг жавоб реакцияси тегишли эфферент нерв толалари орқали жағ мускулларига берилади. Натижада жағ мускуллари қисқариб, фаол ҳолатга келади ва чайнаш ҳаракатларини рўёбга чиқаради.

Чайнашни бошқаришда **оралиқ мия, гипоталамус ва мия пўстлоғи** ҳам иштирок этади.

Ютиш. Оғизга олинган озиқа яхши чайналиб, сўлак билан аралаштирилганидан кейин, луқма холида тил ва лунжнинг ҳаракати туфайли тил илдизига қараб сурилади. Тилнинг қисқариб, ҳаракат қилиши оқибатида луқма юмшоқ танглайга тақалади ва тил асосига қараб йўналтирилиб, ҳалқумга ўтказилади. Ҳалқумга ўтказилган озиқа луқмаси

ҳалқум шиллиқ пардасидаги рецепторларни таъсирлантириши натижасида юмшоқ танглайни күтартувчи мускулларнинг қисқаришини таъминлайди ва юмшоқ танглай күтарилади, шунда бурунга борувчи йўл беркилиб қолади. Тилнинг асоси эса, ҳиқилдоқ усти тоғайини күтариб, ҳиқилдоқ оғизни ёпиб кўйади. Шундай қилиб, юқори нафас йўлларига озиқа тушмайдиган бўлади. Ҳалқум мускулларининг қисқариши натижасида озиқа қизилўнгачга ўтказилади.

Ютиш мураккаб рефлектор жараён бўлиб, уни бошқарадиган марказ узунчоқ мияда жойлашгандир.

3. Сўлакнинг ажралиши, таркиби ва физико-химиявий хусусиятлари.

Сўлакнинг ажралиши. Сўлакни, асосан, уч жуфт без:

1. Қулоқ олди.

2. Тил ости.

3. Жағ ости сўлак безлари ишлаб чиқаради.

Булардан ташқари, сўлак ҳосил бўлишида оғиз деворида, тил илдизида, томоқда жойлашган майда қўшимча безчалар ва айрим қадоқсимон хужайралар ҳам иштирок этади.

Қулоқ олди сўлак бези сероз хужайралардан тузилган бўлиб, таркибида **оқсил бўладиган сувсимон суюқлик** ажратади.

Жағ ости ва тил ости сўлак безлари сероз ва шиллиқ хужайралардан ташкил топган бўлиб, **муцин деган шилемшиқли суюқлик** ажратади.

Сўлак - рангиз, шилемшиқли ва ёпишқоқ суюқлик.

Сўлакнинг таркиби **2 қисмдан** иборат:

1. Сув (99,0 – 99,4 %) .

2. Қуруқ модда (0,6 – 1 %).

Қуруқ моддада органик ва анорганик моддалар сақланади. **Сўлакда:**

1. Анорганик моддалардан хлоридлар, сульфатлар, корбонатлар, кальций, калий ва бошқалар бўлади.

2. Органик моддалардан эса амилаза, мальтаза, лизоцим ферментлари, ёпишқоқ модда – глюкополисахарид – муцин, шунингдек, алмашинув маҳсулотлари – мочевина, аммиак, карбонат ангидрид ва бошқалар учрайди.

Сўлакнинг физико-кимёвий хусусиятлари. Сўлакда амилолитик ферментлар жуда кам бўлиб, унинг таркибидаги **амилаза** **крахмални мальтозагача, мальтаза эса мальтозани глюкозагача** парчалайди.

Лизоцим бактериоцидлик хусусиятига эга бўлиб, хилма-хил микроорганизмларни ҳалок қиласида ва этхўр ҳайвонлар сўлагида кўпроқ бўлади.

Муцин шилемшиқ модда бўлиб, сўлакни ёпишқоқ қиласида ва озиқани луқма ҳолига келтириб, осон ютиладиган бўлишида катта аҳамиятга эга.

Турли ҳайвонлар сўлагининг **солиштирма оғирлиги ўртача 1,002 – 1,012, мухити эса pH=7,32 – 8,1 атрофида**, осмотик ва онкотик босимлари паст бўлади.

4. Турли ҳайвонларда сўлакнинг миқдори ва ажралиш хусусиятлари.

Турли ҳайвонларда сўлак ажралиши бир-биридан озми-қўпми фарқ қиласди.

Отларда сўлак ажралиши. Отлар вақти-вақти билан, оғзига озуқа тушган пайтда сўлак ажратади. Бир суткада **отлар 40 литр** атрофида сўлак ажратади ва унинг асосий вазифаси озуқани ҳўллаш ва бўрттиришдан иборатдир. Отлар сўлагидаги амилолитик ферментлар (амилаза, малтаза) кам бўлса ҳам оғизда углеводлар парчаланишини бошлаб беради.

Чўчқаларда сўлак ажралиши. Моҳият эътибори билан отлардагидан кўп фарқ қилмайди. Вояга етган **чўчқа бир суткада 15 литр** атрофида сўлак ажратади ва унда амилолитик ферментлар анча кўп бўлади. Шунинг учун чўчқаларнинг оғизда углеводлар кўпроқ парчаланади.

Кавш қайтарувчи ҳайвонларда сўлак ажралиши, катта қоринда доимо озуқа бўлиб, у ерда ҳазм жараёнлари узлуксиз давом этишига қараб, **қулоқ олди сўлак безлари тинмай сўлак** ажратиб туради. Бошқа сўлак безлари вақти-вақти билан фақат оғзига озиқа тушгандагина сўлак ажратади.

Вояга етган **қорамоллар 90-190 литр, қўйлар эса 6-10 литр** сўлак ажратадилар.

Кавш қайтарувчилар сўлагининг сезиларли даражада ишқорий хусусиятга эга бўлиши, катта қорнида ҳазм жараёнларининг тўғри кечишида катта аҳамиятга эга. Чунки катта қоринда ҳосил бўладиган кислотали моддалар нейтралланиб боради.

Сўлак таркибидаги **аскорбин кислота (C витамин)** катта қориндаги микроорганизмларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади, ферментларнинг фаоллигини кучайтиради.

Кавш қайтарувчилар сўлагида **15 – 36 мг.% атрофида мочевина** бўлиб, у катта қорндаги микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилади.

Демак, кавш қайтарувчилар организмида **сўлак азот алмашинувида** ҳам иштирок этади.

Ёш ҳайвонларда сўлак ажралиши бир мунча фарқ қиласди. Сут эмиб юрган, ҳали меъда олди бўлмалари тарақкий қилмаган бузоқларнинг тил ости ва жағ ости сўлак безлари қулоқ безларига қараганда кўпроқ сўлак ажратади. Ҳайвон батамом дағал озиқа билан озиқлана бошлагандан кейин катта қоринда ачиш-бижгиш жараёнларининг кучайиши туфайли қулоқ олди сўлак безлари узлуксиз сўлак ажратадиган бўлиб қолади.

Сутнинг ҳазм бўлишида сўлакнинг аҳамияти катта. Чунки, сўлак билан яхши аралашган сутга ширдондаги протеолитик ферментлар яхшироқ таъсир қиласди. Шунинг учун бузоқларни қўлдан озиқлантирганда сут ичиришга алоҳида аҳамият бериб, уни маҳсус сўрғичлар ёрдамида ичириш керак. Тўғридан-тўғри чекак ёки бошқа идишдан сут ичириш

мумкин эмас. Чунки бунда бузок сутни шошиб-пишиб ичиб олади, натижада сут сўлак билан яхши аралашмайди ва озиқа ҳазми бузилади.

5. Сўлакнинг ажралишининг бошқарилиши.

Сўлак безларининг фаолияти **2 тизим орқали** бошқарилади:

1. Нерв тизими.

2. Гуморал тизим.

Сўлак ажралишини бошқарадиган **асосий марказ узунчоқ мияда** жойлашган.

Оғизга тушган озиқалар оғиз девори, лунж ва тилда **хилма-хил** (**механо, хемо, термо**) **рецепторларни** таъсирлайди. Ҳосил бўлган қўзғалиш импульси тегишли афферент нерв толалари орқали **узунчоқ миядаги сўлак ажратиш марказига** берилади ва марказ қўзғалади. Марказнинг жавоб реакцияси парасимпатик ва симпатик нерв системасининг тегишли толалари орқали сўлак безларига келади. **Парасимпатик нерв толалари қўзғалганда** кўп микдорда суюқ, **симпатик нерв толалари қўзғалганда** эса кам микдорда қуюқ сўлак ажралади.

Бу – шартсиз рефлекс йўли билан сўлак ажралишидир.

Сўлак ажралишини бошқаришда **оралиқ мия, таламус, гипоталамус ва бош мия** пўстлоғидаги нерв ҳужайраларининг маълум гурухлари ҳам иштирок этади.

Кундалик ҳаётда ҳайвоннинг кўзига озиқанинг кўриниши ёки ҳидининг бурунга киришининг ўзиёқ мустақил равища, яъни ҳайвон озиқани ҳали емасдан туриб, сўлак ажралишига сабаб бўлади.

Бу – шартли рефлекс йўли билан сўлак ажралишидир.

Демак, **сўлак ажралиш жараёни** шартли ва шартсиз рефлекслар ёрдамида мураккаб рефлектор йўл билан бошқарилиб туради.

Нерв тизими билан бир қаторда **гуморал тизим ҳам** сўлак ажралишининг бошқарилишида иштирок этади.

Масалан, парасимпатик нерв тизими қўзғалганда **калликреин** деган тўқима **гормони** ҳосил бўлади. У қон томирларини кенгайтиради ва ҳужайралар пўстининг моддалар ўтказиш қобилиятини ўзгартиради. Шу билан сўлак ажралишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мавзу: МЕЪДАДА ОЗИҚАЛАРНИНГ ҲАЗМ БЎЛИШИ.

Режа:

- 1. Меъдада озиқа ҳазм бўлишининг умумий қонуниятлари.**
- 2. Меъда шираси, таркиби, аҳамияти, ажралиши ва бошқарилиши.**
- 3. Меъда ҳаракати. Меъдадан ичакга озиқаларнинг ўтиш қонуниятлари.**

Таянч иборалар.

Меъда, бир камерали оддий ва мураккаб меъда, 2,3 ва 4 камерали меъда, сероз парда, мускул қавати, шиллик парда ости, шиллик қават, кардиал, фундал, пилорус, секретор безлар, қўшимча хужайралар, асосий ёки бош хужайралар, қоплама хужайралар, пепсин, пепсиноген, химозин, катепсин, желатиназа, липаза, хлорид кислотаси, рефлектор фаза, кимёвий фаза, М.Н.С., рецептор, симпатик нерв, адашган нерв, мотор, тоник ҳаракат, ритмик ҳаракат, чувалчангсимон ҳаракат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

Асосий адабиётлар

1. Р.Х.Хайтов, Б.З.Зарипов, З.Т.Ражамуродов. Ҳайвонлар физиологияси. Дарслик. Тошкент, Ўқитувчи, 2005 йил.
2. Д.Э.Эшимов, Р.Ф.Рўзиқулов. Ҳайвонлар физиологияси фанидан амалий лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Илм-Зиё, 2012 й.
3. В.Ф.Лисов, В.И.Максимов. Основы физиологии и этиологии животных. Москва, Колос, 2004 год.

Хориж адабиёти

1. Michael Akers, D. Michael Denbow. Anatomy and Physiology of Domestic Animals. © Blackwell Publishing. USA 2013.

Қўшимча адабиётлар

1. В.И.Георгиевский. Физиология сельскохозяйственных животных. Москва, Агропромиздат, 1990 год.
2. В.Хусаинова, Э.Тошпўлатов. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, Ўзбекистон, 1994 йил.
3. Д.Эшимов, Р.Ф.Рўзиқулов. Ҳайвонлар физиологияси фанидан амалий лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, Ўзбекистон, 2006 йил
4. К.Б.Иномова. Нормал физиологиядан русча-ўзбекча луғат. Тошкент, Ибн Сино, 1993 йил.

5. Интернет сайтлари:

www.Ziyo.net.uz.

www.veterinary.@actavis.ru

www.zooveterinariya@mail.ru

www.zootechniya.ru

1. Меъдада озиқа ҳазм бўлишининг умумий қонуниятлари.

Оғизда тегишлича майдаланиб, сўлак билан аралашган ва лукма ҳолида ютилган озиқа қизилўнгач орқали меъдага тушади. Меъдада озиқа меъда шираси билан аралашиб, механик, физик, кимёвий таъсиротларга

учрайди, парчаланади ва айрим қисмлари шу ердаёқ қисман қонга сўрилади.

Ҳайвонлар ва паррандаларда **меъда бир неча камерали** бўлади:

1. **Бир камерали оддий меъда** – ит, мушук ва каламушларда бўлади.
2. **Бир камерали мураккаб меъда** – от, чўчқа ва қуёнларда бўлади.
3. **Икки камерали меъда** – паррандаларда бўлади.
4. **Уч камерали меъда** – туя ва буғуларда бўлади.
5. **Тўрт камерали меъда** – қорамоллар, қўй ва эчкиларда бўлади.

Ҳайвонлар ва паррандаларда меъда турлича тузилишга эгадир.

Меъда тузилишининг ўзи 3 қисмга бўлинади:

1. **Кардиал** – қизилўнгачдан меъдага кириш қисми.
2. **Фундал** – меъданинг туби, асос қисми.
3. **Пилорус** – 12 бармоқ ичакка чиқиш қисми.

Меъданинг девори **4 қаватдан** иборатdir:

1. **Ташқи сероз парда қавати.**
2. **Ўрта мускул қавати.**
3. **Шиллик парда ости қавати.**
4. **Ички шиллик парда қавати.**

Меъда девори уч хил: узинасига, айланасига ва қийшиқ жойлашган мускуллардан иборатdir.

Меъданинг ички шиллик парда қаватида 3 хил:

1. **Қўшимча без хужайралари.**
2. **Асосий ёки бош без хужайралари.**
3. **Қоплама без хужайралари** жойлашган бўлиб, улар меъда ширасини ишлаб чиқаради.

Меъданинг қўшимча без хужайралари **шилимшиқни**, асосий без хужайралари **ферментларни**, қоплама без хужайралари **хлорид кислотасини** ишлаб чиқаради.

Меъданинг:

1. Кардиал қисмida **фақат қўшимча без хужайралари.**
2. Фундал қисмida **қўшимча, бош, қоплама без хужайралари.**
3. Пилорус қисмida **қўшимча ва асосий без хужайралари** бўлади.

Меъданинг:

1. Кардиал қисмida **фақат шилимшиқ.**
2. Фундал қисмida **шилимшиқ, ферментлар, хлорид кислотаси.**
3. Пилорус қисмida **шилимшиқ ва пепсин ферменти** ишлаб чиқилади.

Демак, меъда ширасининг озуқаларни хазмланишида аҳамияти каттадир.

2. Меъда шираси, таркиби, аҳамияти, ажралиши ва бошқарилиши.

Меъда шираси меъда деворида жойлашган қўшимча, асосий ва қоплама без ҳужайраларининг фаолияти туфайли ҳосил бўладиган, тиник, рангсиз, кислотали мұхитга эга суюқликдир.

Меъда ширасининг таркибида 99% дан ортиқ сув, ҳар хил анорганик ва органик моддалар учрайди.

Анорганик моддалардан: Са, К, На, Мг, аммоний каби элементларнинг хлорли, фосфорли, карбонатли, сульфатли тузлари ва хлорид кислота бўлади.

Органик моддалардан: сут кислотаси, креатинин, АТФ, мочевина, сийдик (урат) кислотаси, оқсиллар, аминокислоталар ва ферментлар бўлади.

Меъда ширасидаги хлорид кислотанинг меъдадаги ҳазм жараёнларининг тўғри кечишида аҳамияти каттадир.

Хлорид кислотасининг вазифалари:

1. Меъда ширасига кислотали мұхит беради.
2. Меъдада ачиш-бижгиш жараёнларини рўёбга чиқаради.
3. Минерал моддаларнинг эришида иштирок этади.
4. Оқсилларни бўрттириб, ҳазм бўлишига ёрдам беради.
5. Пепсиноген ферментини фаол пепсинга айлантиради.
6. Бактерицидлик хусусиятини намоён қиласади.
7. Меъдадан 12 бармоқ ичакка озиқанинг ўтишини рефлектор равишда таъминлайди.

Меъда ширасида **хлорид кислотаси 0,4-0,5% атрофида 2 хил ҳолатда** бўлади:

1. Эркин хлорид кислота ҳолатида - 0,15-0,25% атрофида.
2. Органик моддалар билан бириккан ҳолатда – кўпроқ қисми.

Хлорид кислотаси гўштхўр ҳайвонларда бир оз кўпроқ, ўтхўр ҳайвонларда эса озроқ бўлади.

Меъда ширасида қуидаги **ферментлар бўлади:**

1. Пепсин.
2. Химозин.
3. Катепсин.
4. Желатиназа.
5. Липаза.

Пепсин фаол бўлмаган **пепсиноген** ҳолатида ажралиб, хлорид кислотаси таъсирида, ўта кислотали мұхитда ($\text{pH} = 0,8 - 2,0$) ва ҳарорат ($+38+40^\circ$) бўлганида фаол пепсинга айланади. Пепсин оқсилларни альбумоз ва пептонларга парчалайди. Пепсин гўшт оқсилини тез парчалаб, тухум оқсилини секин парчалайди.

Химозин кучсиз кислотали, кучсиз ишқорий яъни нейтрал мұхитда Ca^+ ионлари иштирокида фаол бўлиб, сут оқсили казиногенга таъсир этиб, уни казеинга айлантиради яъни сутни ивитади. Бу фермент ёш ҳайвонлар

меъдасида кўп бўлиб, ҳайвонларни ёши ўлғайиши билан бу фермент камайиб, бошқа ферментлар кўпаяди. Бу ферментни ёш қўзиларни терига сўйганда ширдонидан ажратиб олиб, қуритиб, бринза тайёрлашда ачитқи сифатида ишлатилади.

Катепсин оқсилнинг гологен қисмларини, пай тўқималарини желатинани парчалайди.

Желатиназа миқдори жуда кам ва бириктирувчи тўқима оқсили – желатинани парчалайди.

Липаза фақатгина эмулцияланган ёғларни парчалайди. Меъда липазаси ичак липазасидан анча заиф.

Тоза меъда ширасида **амилолитик ферментлар бўлмайди**. Лекин меъдада лукма билан тушган сўлак ва озиқа ферментлари таъсирида углеводлар қисман парчаланади. Чунки, меъдага тушган озиқа луқмасига шира аста-секин шимилади ва у ердаги муҳит ишқорий бўлади. Сўнгра луқмага меъда шираси шимилиши билан муҳит кислотали томонга ўзгариб, амилолитик ферментлар фаоллиги сўнади ва меъда ширасининг ферментлари таъсир кўрсата бошлайди.

Меъда ширасида энг **фаол протеолитик фермент пепсин бўлиб**, у меъда деворини парчаламайди. **Чунки:**

- меъда деворида антипепсин моддалар ҳосил бўлади;
- меъданинг шилимшиқ – ҳимоя тўсиқ хусусияти мавжуд;
- меъда девори бўйлаб оқаётган қон ишқорий муҳитга эга.

Буларнинг ҳаммаси пепсин фаоллигини пасайтиради ва у меъда деворини парчалай олмайди.

3. Меъда ҳаракати. Меъдадан ичакга озиқаларнинг ўтиш қонуниятлари.

Меъда бўш бўлганида меъда деворлари бир-бирига тегиб, кардиал тешиги ёпиқ, пилорус сфинктори очиқ бўлади. Озиқа ютилиши билан рефлектор равишда кардиал сфинктор очилиб, озиқа меъдада қатламма-қатлам жойлашиб, пилорус сфинктори ёпилади. Меъданинг тўлабошлиши ундаги озиқаларни эвакуациясига сабаб бўлади.

Меъда ҳаракати (моторикаси) меъда деворида узинасига, айланасига ва қийшиқ жойлашган мускуллар фаолияти туфайли юзага келади.

Меъдадаги ҳаракатлар иккига бўлиб ўрганилади:

- 1. Тоник ҳаракатлар.**
- 2. Ритмик ёки перисталтик ҳаракатлар.**

Меъданинг тоник ҳаракатлари ундаги узунасига ва қийшиқ жойлашган мускулларнинг қисқариши билан юзага келиб, озиқани аралаштирмасада, уни сиқиб пилорус қисмига ўтказишга ёрдам беради.

Меъданинг ритмик ҳаракати меъда деворида жойлашган мускулларни бир томони қисқарганда, ундан илгаридағи қисм мускулларини кенгайиши натижасида юзага келади. Бу ҳаракат меъданинг кардиал қисмидан бошланиб пилорус қисмига қараб ўтказилади. Бу вақтда меъданинг кардиал ва фундал қисми кучсиз қисқариб пилорус қисми кучли қисқаради. Натижада меъда қисмларичувалчангсимон ҳаракат қилади. **Бунга чувалчангсимон ёки перис-талтик ҳаракат дейилади.** Ритмик ҳаракатлар озиқани меъда шираси билан яхши аралашиб, ичак томон йўналтиради.

Меъда моторикасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- 1. Хлорид кислотасининг миқдори.**
- 2. Меъданинг озиқа билан қанчалик тўлганлиги.**
- 3. Гистамин.**
- 4. Оқсиллар парчаланишидан ҳосил бўладиган турли маҳсулотлар.**
- 5. Ташқи муҳит ҳарорати.**

Меъда моторикаси марказий нерв системасидан келадиган адашган ва симпатик нервлар орқали **бошқарилади.** Адашган нерв меъда ҳаракатини тезлаштиrsa, симпатик нерв секинлаштиради.

Меъдага марказий нерв системасидан импулс келмаганида ҳам мустақил қисқаради., Бу ҳаракат меъда деворидаги нерв ва мускул элементларига боғлиқ. Лекин бу ҳаракатлар организмнинг ўзгариб турадиган эҳтиёжини қондира олмайди.

А.Ю.Юнусов иссиқлик ва қуёш нури таъсирида меъданинг секретор ва мотор фаолиятларини тормозланганлигини, кейинчалик шу шароитга ўрганиб, бу фаолиятларнинг меъёrlашганлигини кузатган.

Демак, меъдада озиқа ҳазмланишида меъда ҳаракати яъни моторикаси ва унинг деворида жойлашган секретор безлардан ҳар хил шира ишлаб чиқарилиши ҳамда гормонлар асосий ўрин эгаллайди.

